

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
ЎЗБЕКИСТОНДА БИЗНЕС-МУҲИТ БАҲОЛАРИ ЯХШИЛАНДИ

*Тайёрлади: Чилонзор туман 2-сон қасб-хунар мактаби “Maxsus
фанлар” кафедраси ўқитувчиси:*

Дилфузга Хайдарова.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази бизнес-муҳити кўрсаткичининг ошиши иқтисодий фаолликнинг давом этаётган ўсишидан дарак беради. Январда компанияларнинг ишлаб чиқариш ва қурилиш бўйича кутилмалари ўсади. Шу билан бирга, бизнеснинг жорий ҳолати бўйича баҳолар, хизматлар йўналишидан ташқари, барча тармоқларда янада ижобий бўлди.

Ишбилармонлик муҳити – Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази (Марказ) томонидан 2020 йилдан буён ўтказиб келаётган сўров асосида ҳар ойда ҳисоблаб чиқиладиган таҳлилий кўрсаткичdir.


Корхоналарнинг сўровларда иштирок этиши жорий иқтисодий вазият тўғрисида расмий статистик маълумотларда акс этишидан олдинроқ маълумот олиш имконини беради, корхоналарнинг кутилмаларини баҳолаш эса иқтисодий фаолликнинг бўлажак кўрсаткичларини ифода қиласи. Умумий бизнес-муҳитнинг ўсиши ҳам жорий, там кутилаётган баҳоларнинг ижобий динамикасидан келиб чиқди.

Январда Марказнинг умумий бизнес-муҳит кўрсаткичи декабрга солиштирганда 7 пунктга ошиб, 61га етди, бу эса ишбилармонлик фаоллигининг янада кенгайганидан далолат беради. Ўтган йилнинг январида ушбу умумий кўрсаткич 54 пунктга teng эди.

Бизнес-муҳитнинг яхшиланишига саноат тармоғидаги бирданига 30 пунктга юқорилаган ижобий динамика сезиларли таъсир қиласи. Ушбу ўсиш қурилишда 13 пунктга, қишлоқ хўжалигига эса 9 пунктга ошиди.

Бир вақтнинг ўзида, тадқиқнинг январ ойидаги натижалари хизматлар соҳасида бизнес баҳоларининг 8 пунктга пасайганини ҳам акт эттирди.

Бизнес-муҳит кўрсаткичи динамикаси



Бизнеснинг жорий ҳолати баҳолари ўтган ойга нисбатан атиги 1 пунктга яхшиланиб, 43га етди, шу билан бирга, ўтган йилнинг январига солиштирганда эса 9 пунктга ўсиш қайд этилди.

Ўз навбатида, бу саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги жорий ҳолат кўрсаткичларидаги кескин тебранишлар билан боғлиқ. Агар январь ойида бизнеснинг жорий ҳолати яхшиланишига асосий ҳисса 22 пунктга ўсган саноат улушига тўғри келган бўлса, хизматлар соҳасида 16 пунктта пасайиш қайд этилди.

Умуман олганда, бизнеснинг жорий ҳолати баҳолари қуидагича бўлди: 41% - “яхши” ва 13% - “ёмон”. Корхоналарнинг 35 фоизи товар ва хизматларга бўлган жорий талабни баҳолаш жараёнида ўсишни қайд этдилар. Шу билан бирга, компанияларнинг 17 фоизи ўз ходимлари сонини кўпайтирди.

Бизнесни ривожлантириш истиқболлари бўйича кутилмалар тадбиркорлар ўртасидаги оптимизмнинг анча юқори эканлигини кўрсатмоқда. Бизнесни ривожлантириш истиқболлари бўйича кутилмаларнинг умумий кўрсаткичи яқин 3 ойда сўнгги икки йилдаги рекорд даража – 81 пунктга етди. Бу натижага саноатда оптимизмнинг 92 пунктга ва қурилишда 81 пунктгача сезиларли даражада яхшиланиши ҳисобига эришилди.

Сўров натижаларига кўра, корхоналарнинг 79 фоизи ўз бизнеснинг умумий ҳолати яхшиланишини кутмоқда. Корхоналарнинг товар ва

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

хизматларга бўлган талаб кутилмалари 74 фоизни ташкил этди. Иш берувчиларнинг деярли 72 фоизи ўз компанияларида ходимлар сонини кўпайтиришга тайёр. Январь ойида жорий ҳолат ва кутилмалар ўртасидаги нисбат иқтисодий ривожланишнинг кейинги уч ойда сақланиб қоладиган ижобий тенденциясини кўрсатди.

Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг деярли ярми ўз бизнесини юритишида тўсиқлар мавжудлигини қайд этдилар. Сўров натижаларига кўра, саноат секторида ишловчи тадбиркорлар электр ва газ таъминоти билан боғлиқ тўсиқлар, шунингдек, товарларнинг юқори нархлари ҳақида камроқ хабар берганлар, айни пайтда молия ва солиқ ставкалари билан боғлиқ муаммолар ҳақида эса кўпроқ маълум қила бошлаганлар.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларини сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар кўпроқ ташвишга солган. Айни вақтнинг ўзида, ер участкаларини олиш имконияти, солиқ маъмурчилиги, хомашё нархининг юқорилиги ва уларнинг етарли эмаслиги ҳамда солиқ ставкаларининг баландлиги каби муаммоларни қайд этган тадбиркорлик субъектлари улуши камайди.

Шу билан бирга, қурилиш секторида молия маблағлари жалб қилиш ва ердан фойдаланиш имкониятлари яхшиланиши кузатилган бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасида бундай муаммолар янада кўпайган.